БОЛАЛАР ХОТИРАСИДА ҚОЛГАН КИН

мавжуд 18 та мактабнинг ҳар биридан бир нафардан йигилган бадиий ижодга иштиёқи бор болалар Қиброй туманинига ташриф буюришиди. Уларни тенгдошлари — қибройлик ижодкор ўқувчилар кутиб олишди. Сўнгра, туманинг сўлим худудларидан бирида жойлашган "Хурсанд" ка-

бундай дўстона учрашувлар анъянавий давом этишини тилади. Шундан сўнг сўзга чиқкан Қиброй тумани ҳокими ўринbosari Бибихон Шералиева, Паҳтакор туманинига халқ таълими бўлими мудири Насиба Мавлонова, Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Шоира Ашуррова ва Қиброй туманини прокурори ёрдамчиси Лобархон Зомитовалар ижодкор ўқувчиларнинг қизиқишиларига катта ишонч билдирилар ҳамда улар ижодига муваффақият тилашди.

Учрашувни болалар мушоираси давом эттириди. Болаларнинг ўзларидек содда ва самимий, беғубор сатрлари йигилганларни бефарқ қолдирмади. Улар ижодида асосан Ватан мустақиллик мавзуси устувор эканли-

акаларим, Тумор тақинг юртимга" деб шеър ўқиси, паҳтакорлик ўқувчи киз Мадина Шералиева ёз фаслининг тасвирини шундай самимий сатрларда чизади:

Болалар шод
қийқириб
Анҳорларда чўмилар,
Кун нурида қорайган
Танлар сувга қўмилар.


Паҳтакор туманидан келган ижодкор ўқувчи Ирода Корабоеванинг бир шеъридаги "Дунё ҳам она айтган Алладаги маънодир" сатрлари эса, ўзининг теран фалсафий маъноси билан шеър ихлосмандлари қалбида муҳраниб қолди, дейиш мумкин.

Мушоира якунида таъникини шоир Икром Отамуроднинг болаларга берган адабий сабогини ёш ижодкорлар бир умр

бирига мана шундай яқинлашган пайтда гуриллайди. Сўзниг останасида турган сиз ёш ижодкорларни кўриб, киши қайтингинг келади шу даврга. Афуски, бунинг иложи йўқ. Факат, сизларнинг тимсолингиздагина болалигимизни кўрамиз, шу беғубор даврга қайтган



Суратда: учрашувдан лавҳалар.
Н.ПОДАВАЙ олган суратлар.



"ОЛТИН БАЛИҚЧА"НИНГ "ОЛТИН" БОЛАЛАРИ

Давлат тест марказининг маълумотларига кўра, Бухоро вилояти ҳам аби туриентлар, ҳам ўқишига кирган талабалар сони жиҳатидан республика миқёсида биринчи ўринда туради экан. Илло, дараҳтнинг яхши ўсиши ва серҳосил бўлишида унинг ниҳоллигидан боғбон томонидан берилган парвариши муҳим роль ўйнайди. Зеро, шундай экан, бухоролик ўшларнинг талаба бўлишларида, уларнинг болалигига олган сабоқлари, боғчадаги таълим-тарбиялари ҳам муҳим омиллардан бири саналади. Дарҳақиат, буғун Бухорода таълим тизими яхши йўлга кўйилган. Ҳусусан, мактабгача таълим муассасаларидаги бу жараённи кишини қўвонтирадиган даражада. Жумладан, Ромитан тумани ХТБга қарашли 7-“Олтин балиқча” соғломлаштириш болалар боғчасида давлат талаблари асосида иш олиб борилаётган бўлиб, кичкитойларга тарбия бериш билан бирга, уларнинг соғлом ривожланишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бошқа боғчалардан фарқли жиҳати, “Олтин балиқча”га соғлиги яхши бўлмаган кичкитойлар қабул қилиниб, улар мактабгача бўлган давр ичидаги таълим-тарбия билан бирга соғликларини ҳам тиклайдилар. Бунинг учун малакали шифокорлар жалб этилган. Шунингдек, 110 нафар болажонга мўлжалланган ушбу масканда жорий йилда “Учинчи мингйилликнинг боласи” дастури доирасида “Энг билимли бола”, “Энг зукко бола”, “Иқтидорли болалар” каби кўрик-танловлар ҳам ўтказилиб келинмоқда.

Кўйида эса мазкур боғча услубчи-
си Гулшод Очилованинг элементар

математикадан машғулот ишланмаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Katta guruhrar uchun

Mavzu: Sanoq sonlar suhbati.

Maqsad:

- a) bolalarning matematik tasavvurlarini rivojlantirish;
- b) nutq madaniyatini shakllantirish, so'z boyliklarini oshirish;
- v) ularni mehnatsevar qilib tarbiyalash;
- g) kattalar mehnatini hurmat qilish va qadrlashga o'rgatish;
- d) bolalarga gigiyenik tarbiya berish, jismoniy jihatdan chiniqtirish;
- ye) iqtisodiy tushunchalami shakllantirish.

Mashg'ulot uchun kerakli jihozlar: matematik tarqatma materiallari, o'yinchoqlar, meva va sabzavotlar, sanoq sonlarning rasmii va hokazolar.

Mashg'ulotning borishi:

Tarbiyachi:

- Bolalar bir yil necha oydan iborat?
- Necha faslga bo'linadi?
- Hozir qaysi fasl?
- Juda to'g'ri, bir yil 12 oydan iborat bo'lib, 4 faslga bo'linadi, hozir yoz fasli. O'tgan mashg'ulotimizda sizlar bilan 10 gacha bo'lgan sonlarni to'g'ri va teskari sanashni o'rgangan edik. Kim o'ngacha bo'lgan sonlarni shu tarzda sanab beradi?

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1.

Bolalar bir haftamiz necha kundan iborat? To'g'ri, 7 kundan. Q'ani, 7 gacha bo'lgan sonlarning suhbatiga bir qulog solaylik.

1 soni

Bir degan sanoq-sonman,

Sanash uchun osonman.

Bitta yurak, bitta bosh,
Bitta oyu bir quyosh.

2 soni

Ikki degan nomim bor,
Ikki birdan men tayyor.
Ikki qo'l, ikki oyoq,
Ikki ko'z, ikki qulqoq.

3 soni

Uchta birman, nomim uch,
Birlashganda bo'lar kuch.
Qarang uchta g'ildirak,
Velosi pedga kerak.

4 soni

Men to'rt degan raqamman,
Ikkita ikkidan jamman.
Bo'lsa ikki juft o'rtoq
To'rtta bo'ladi o'sha choq.

5 soni

Besh degulik nomim bor,
Raqamlar ichra ilg'or.
Bir, bir qo'shsa anchaman.
Qo'ldagi besh panjaman.

6 soni

Beshdan keyin oltiman,
Raqamlarning oldiman.
Ikki uchni qo'shsang bas,
Hech qachon esdan chig'mas.

7 soni

Mening nomimdir yetti,
Endi demanglar mitti.
Oltidan bitta ko'pman.
Yetti yulduzman, to'pman.

Bolalar qo'llaridagi rasmlı kartochklarini ta'riflab beradilar.

Tarbiyachi: qani, bolalar, maqollarni ham bilamizmi?

— Sanamay sakkiz dema.

— Yetti o'chab, bir kes.

— Ilmli ming yashar, ilmsiz bir yashar.

Topishmoqlar-chi?

— Ikkita uchida ikkita halqasi, o'rtaida esa 1 ta mixchasi bor (qaychi).

— Ikki ajib qulog'i bor, biri so'zlar, biri tinglar (telefon).

Tez aytishlar-chi?

— Bir tup tut — tutning tagida bir tup turp.

Tarbiyachi: Barakalla, endi sizlar bilan "Kim chaqqon?" harakatli o'yinini o'ynaymiz. Bu o'yinda qaysi bola stol ustidagi meva va sabzavotlarni tez va chaqqon terib olarkin? Agarda kim ko'p tersa, o'sha raqbatlantiriladi.

Bu o'yin orqali bolalarga meva va sabzavotlar haqida, pul bilan muomalada bo'lish, ig'tisodga bo'lgan qizig'ishlarini oshirib borish o'rgatiladi.

O'yin tugagach, ularga 5 soni haqida tushuncha berib, "5 baho" ashulasini ijro etishga taklif qilinadi.

Bo'lsa kimning tabelida beshi ko'p, Hamma joyda uning do'sti, ishi ko'p. Besh oluvchi odobi har bolanining Bo'sh vaqt yo'q, o'qishiyu ishi ko'p...

Mashg'ulotni yakunlash.

Bolalar, bugun sizlar bilan matematika mashg'ulotida iqtisod to'g'risida tushuncha oldik, sonlar bilan tanishdik. Tez aytish, maqol va topishmoqlar o'rgandik, "Kim chaqqon?" harakatli o'yinini o'ynadik.

Машғулот ниҳоясида энг фаол иштирок этган болалар рағбатлантирилади.

Сўнгти 2-3 йил мобайнига барча олий таълим мусасасаларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчи-мурраббийлар өтакчи хорижий давлатларда қўлланиладиган таълимнинг турли интерактив технологияларини мукаммал ўзлаштира бошлилар. Мазкур усуларни таълим жараёнинг татбиқ этишининг асосий маҳияти шундан иборатки, бунда ҳар бир талабанинг дарс мобайнига турли долзарб вазифаларни илгари суриши, улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви, ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги асосида қарорлар қабул қила билиши ҳисобига билим олиш жараёнини фаоллаштиришдан иборат. Шунингдек, инновацион таълим жамият тараққиёти учун янги ғоя ва билимлар билан қуролланган кадрлар тай-

Tanlov

хужум", "қор парчалари", "уч босқичли интервью", "гуруҳий текшириш", "танлов усули", "кўникмаларни ўргатиш", "гуруҳий динамика" сингари усулар профессор-ўқитувчилар томонидан энг кўп ва сарали қўлланилган усулар деб топилди.

Танловнинг сўнгти босқичи якунларига кўра 18 нафар иштирокчи ғолиб деб топилди. Жумладан, Шоира Қосимова "Ақлий хужум усули билан гармоник шахснинг шакланиши", Илҳом Шовалиев эса "Қорпарча усули билан консерваларнинг санитар-гигиеник экспертизаси" машғулотлари учун 3-ўринга муносиб топилди.

Рустам Иногомовнинг "Шиши асцит синдроми"

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ТАЖРИБА ВА САМАРА

ёрлашда мұхим аҳамиятга эга.

Шу ҳафтага Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтига профессор ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини баҳолаш бўйича ўтказилган "Таълимнинг инновацион технологиялари" кўрик танлови ўз якуннага етди. З босқичда ўтказилган кўрик-танловнинг асосий мақсади интерфаол педагогик усулларни ўқув жараёнинг самарали татбиқ қилиш, шунингдек, талабаларнинг клиник маҳоратни мукаммал әгаллашлари билан боғлиқ қатъий ва ишончли ҳаракатига кўмаклашишдан иборат бўлди. Танловда институтнинг 468 нафар ўқитувчisi таълим тизимиға жорий қилган янги методлари билан иштирок этди ва улардан 59 нафари факультет босқичида ғолиб чиқди. Танловнинг ўзига хослиги шундаки, унда қатнашган барча ўқитувчилар кичик гуруҳлардаги ишлар ва ўқув жараёнини оптималлаштирувчи 35 та интерфаол усулдан фойдаландилар. Бу усуллар орасида "аклий

мавзусидаги мунозараси, Матлуба Афолайяннинг "Экстремал вазиятлардаги тактика" мавзусидаги машғулотлари интерфаол методнинг ҳаққоний ифодаси сифатига баҳоланди ва бу ўқитувчилар фахрли иккинчи ўрин билан мукофотландилар.

Интерфаол усуллардан бири "Гуруҳий динамика"-дан методик, услубий жиҳатдан мукаммал фойдалана билган Дилрабо Қаюмова, ҳамда "уч босқичли интервью" усули асосида "Механик сарқилик" мавзусидаги амалий машғулот олиб борган Дилнора Исмоиловалар юқори касбий маҳоратни намойиш эта олганликлари ва талабаларнинг дарсдаги фойдалигига тўлақонли эришганилларни учун 1-ўринга лойиқ деб топилдилар. Танлов голибларига диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, финалга йўлланма олган 12 иштирокчи ҳам б номинация бўйича тақдирландилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma'rifat" мухабири

СИРТКИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ – ХАЛҚАРО МИҚЁСДА

Келажагимиз пойдеворининг мустаҳкамлиги бугун юртда камол топаётган ёшларга боғлиқ. Шу боис, иқтидорли ўқувчиларни қидириб топиш, уларни рафтаглантириш, фанларга бўлган қизиқишларини ортириш ва халқаро олимпиадаларга тайёрлаш мақсадида XTB, РТМ, Ўзтелерадиокомпанияси билан бир неча йиллардан бўён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик дастлабки йилда фақат математика фанидан сиртқи олимпиада ўтказишдан бошланган бўлса, ҳозирги кунда бу фан қаторига физика, кимё, иқтисодий билим асослари фанлари ҳам кўшилди. Шуни таъкидлаш лозимки, Республика таълим маркази ташаббуси билан ташкил этилган сиртқи телевизион олимпиадани ўтказиша ўзбекистон Миллий Университети, Низомий номидаги педагогика университети, ЎзФАНИНГ математика институти ўқитувчилари академик Н.Сатимов, профессорлар Н.Фанихўжаев, К.Турсунметов, доцентлар О.Холиков, Т.ЛАтипов, О.Кўчкоров, Б.Ҳайдаровлар фаол қатнашдилар. Охирги йилларда сиртқи олимпиадага вилоят бошқармалари, туман халқ таълими бўйимларининг ҳам эътибори ортиб бормоқда. Айниқса, мазкур танловда Бухоро, Хоразм, Андикон вилояти мактабларининг ўқувчилари фаол иштирок этилди. Бу эса уларнинг жаҳон олимпиадада рида ҳам совринди ўринларни эгаллашларида катта синов вазифасини ўтамоқда. Мисол учун, телевизион олимпиада голибларидан Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги биринчи ихтисослашган мактаб ўқувчилари У.Раҳмоновнинг кумуш ва Зулфиддин Равшановнинг эса АҚШда 2001 йилда ўтказилган математикадан бўлиб ўтган олимпиадада бронза медали совриндори бўлганлиги куончли воқеадир. Бундан ташкири шу йилнинг июль ойида Шотландияда ўтказиладиган жаҳон олимпиадасида қатнашиш учун А.Жўраев, Д.Нафасов, Ш.Рўзикулов (Бухоро вилояти Қоракўл тумани 1-ихтисослашган мактаб), Ф.Шоҳидов (Самарқанд шахридаги академик лицей), Алексей Пак (Тошкент шахридаги 50-мактаб), Х.Давлатов (Тошкент вилояти Ангрен шахридаги академик лицей)-лар тайёргарлик кўришмоқда. 2002 йил 21-25 май кунларида Қозогистоннинг Остона шахрида ўтказилган 4-Халқаро математика лойиҳалар танловида Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шахридаги 32-мактаб ўқувчиси Р.Султонов олтин медал, Тошкент шахридаги 191-мактабнинг ўқувчиси А.Сатимова бронза медали олиб қайтидилар. Май ойида Олмасота шахрида кимё

фанидан ўтказилган халқаро олимпиадасида Наманган шахрининг аниқ ва ижтимоий фанлар мактаби ўқувчиси Р.Эгамбердиев бронза медали, Эллиқкала туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Р.Ургенчбоев фахрӣ ёрлиқга эга бўлдилар.

Бу йилги ўтказилган сиртқи телевизион олимпиаданинг якуний босқичида 1-, 2-босқич бўйича фаол қатнашиб ҳар бир фанда 8-9, 10-11-синфлар бўйича 15 нафар энг юқори балл тўплаган ўқувчилар иштирок этдилар. Қатнашчиларга амалий топшириклар, масалалар берилди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўқувчиларнинг ёзма жавобларини текшириб баҳс-мунозаралар асосида баҳоладилар. Ва ҳар бир фандан синфлар бўйича

рё вилояти Фузор туманидаги А.Ҳайдаров номли мактаб.

10-11-синфлар бўйича

1-ўрин Ф.Жумакулов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб;

2-ўрин Ш.Авезов, Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-мактаб;

3-ўрин С.Файзиев, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб.

Кимё фанидан

8-9-синфлар бўйича

1-ўрин А.Алиев, ТПИ лицей;

2-ўрин А.Сариев, Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-ихт.мактаб;

3-ўрин Э.Шарипов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб.

E'tirof

Голиблар аниқланди. Совринли ўринларни эса қуидаги ўқувчилар эгалладилар.

Физика фанидан

8-9-синфлар бўйича

1-ўрин Д.Бобоҷонов, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-лицей;

2-ўрин О.Курбонов, Бухоро вилояти Олот туманидаги 1-лицей;

3-ўрин А.Худойберганов, Ҳазорасп туманидаги 1-лицей.

10-11-синфлар бўйича

1-ўрин Т.Рўзметов, Ҳазорасп туманидаги 1-лицей;

2-ўрин А.Сайфиддинов, Бухоро вилояти Шоғиркон туманидаги 19-мактаб;

3-ўрин Ф.Икромов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб.

Математика фанидан

8-9-синфлар бўйича

1-ўрин З.Жумаев, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб;

1-ўрин Ж.Курбонов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб;

2-ўрин У.Баҳромов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб;

3-ўрин Р.Юсупов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб.

10-11-синфлар бўйича

2-ўрин С.Бегимов, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-ихтисослашган мактаб;

3-ўрин Ш.Исмоилов, Ҳоразм вилояти Кўшкўир туманидаги 4-ихт.мактаб.

Иқтисодий билим асослари фанидан

8-9-синфлар бўйича

1-ўрин Р.Ражабов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб;

2-ўрин Ш.Йўлдошев, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб;

3-ўрин Ф.Холматов, Қашқада-

10-11-синфлар бўйича

1-ўрин А.Мирзаев, Андикон вилояти Шаҳрихон туманидаги 8-мактаб;

2-ўрин А.Бойкулов, Қашқадарё вилояти Қоракўл туманидаги А.Ҳайдаров номли мактаб;

3-ўрин Қ.Ражабов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихт.мактаб.

Голибларга Ҳоразм, Ҳазорасп туманидаги фанларни топширилди. Шунингдек, сиртқи телевизион олимпиадасида 1-ўринни олган голиб ўқувчилар XTB, РТМ томонидан физика, математика, кимё, иқтисодий билим асослари фанларидан ташкил этиладиган "Иқтидор—2002" ёзги мактабига таклиф этилди. Сиртқи телевизион олимпиаданинг 1-2-босқичида масалаларни ўзига хос ноанъаний усулда ечган ўқувчиларга ҳам РТМ ўзининг маҳсус соваларини топшириди.

РТМнинг ташаббуси билан ўтказилиб келаётган сиртқи телевизион олимпиада ўқувчи ўшларнинг фанлар бўйича олётган билимларини бойинтиши ва мустаҳкамлашда ўзига хос восита ва синовдир. Муҳими, сиртқи телевизион олимпиада ўқувчиларга ўзлари хоҳлаган, қизиқкан фан бўйича берилган топширикларни бажариш имкониятини беради. Фанлар бўйича Республика олимпиадасига тайёргарликни таъминлайди, физика, математика, кимё, иқтисодий билим асослари фанлари бўйича ўқувчиларнинг қизиқишиларини ортириди ҳамда вилоятлар бўйича ўқувчиларнинг билим даражаларини белгилашга имкон беради. Қисқаси, бу олимпиада нафақат ўқувчилар шунингдек, ўқитувчилар ўртасида ҳам катта қизиқиши уйғотмоқда.

Н.ТУРДИЕВ,
РТМ директори мувонини
Д.МАҲКАМОВА,
РТМ табиий ва аниқ
фанлар инновация бўлим бошлиғи

Китобларим орасида бичими шапалоқдек келадиган юпқа муқовали бир китобча бор. Унинг қофозлари аллақачон сарғайиб кетган, лекин бутун. Бу китобнинг ёши бу йил роппа-роса олтмишга етди. У Шайхзоданинг урушнинг энг оғир йилида — 1942 йилда нашр этилган шеърий тўплами. Унга шоирнинг “Кураш нечун?”, “Капитан Гастелло”, “Йўқ, мен ўлган эмасман”, “Берлинда суд бўлғувси” каби шеърлари киритилган бўлиб, ҳозир ҳам бу шеърлардан ўша йилларнинг оловли нафаси уфуриб туради, бу шеърларнинг тафти бугун ҳам юракларни күйдиради. Бу китобча мен учун икки томонлама ардокли — биринчидан, мен ундаги шеърларнинг бир қисмини ёд олиб, госпиталларда ярадор жангчиларга, маҳаллаларда оддий одамларга ўқиб берардим. Ёд олмаганларимни китобдан ўқиб берардим. Неча марталаб шеърларни ўқиб бўлганимдан кейин тингловчилардан кимдир ошкора, кимдир пинҳона кўз ёшларини артганини, чуқур оҳ тортиб, кўнглидаги андуҳни бўшатганини кўрганман. Китобнинг мен учун ўта ардокли бўлишига сабаб бўлган иккинчи омил шунда эдики, уни менга мактабимизнинг илмий мудири, адабиёт ўқитувчимиз, синф раҳба-

кам бўлди, деб хурсанд бўлиши-
ди. Бироқ болалар эса бутун
кучини бошқа ёқقا уришди.
Бизнинг мактабимиз Охунгузар-
да бир қаватлик замонавий би-
нода жойлашган эди. Шундоқ-
қина биқинимизда Пушкин боғи.
Боғдаги сайрлар ва сайиллар,
асосан, кечқурунлари содир
бўлса-да, кундуз кунлари ҳам у
ерда бемалол кўнгил очса бўла-
диган от ўйинлар, футбол май-
дончалари, концерт саҳналари
бўларди. Биз 6 соат ўқишимиз
керак бўлса-да, тўрт соатдан
кейин ҳаммамиз ялпи қочади-
ган одат чиқардик, дарс қолиб,
паркда бутун синф билан фут-
бол ўйнардик. Уч-тўрт кун бу
қилифимиз жазосиз қолди — ҳеч
ким сезмадими ёки сезишса
ҳам арқонни узун ташлашдими,
билмайман. Аммо бир куни ҳар
қанақа хавотирни йиғиштириб
қўйиб, чунонам ўйинга берилиб
кетибмизки, асти қўяверасиз.
Бирдан кимнингдир ҳайқириб
сўкингани эшитилди. Умрида
сўкинмайдиган Кудрат ака ғазаб-
дан қизариб-бўзариб, кўзлари
ёниб, ранги оқариб бизни ча-
параста сўкмоқда эди. Шу маҳал
тўп унинг олдига келиб қолди.
Тўп синфимизнинг ифтихори
эди — бунақаси ҳеч қайси син-
фда йўқ эди. Кудрат ака биз
сира кутмаган чапдастлик билан
тўпни илиб олди-да, чўнтағидан

китобхонлар “нима бўпти, дарсини яхши кўрса, пишиқ-пухта тайёрлайди-да” деб қўя қолишлари мумкин. Йўқ, азизлар, менимча Қудрат Аҳмедовнинг жамики фазилатлари негизида ётган нарса шу эдики, у туғма педагог эди, унда болаларга нисбатан битмас-туганмас меҳр ва муҳаббат бор эди. Қудрат ака синфдаги ҳар бир боланинг тақдирига ўз фарзандининг тақдирига қарагандек муносабатда бўларди. 8-синфга ўтганда мен Ўқчидаги педагогик техникумга кетдим — у ерда икки йилда диплом олиб, институтга кириш мумкин бўларкан. Мен бир йил ютмоқчи бўлдим. У ерда ўқий бошладим. Бир ой ўқидим ҳам. Бир куни дарсдан кейин уйга қайтаётсам Қудрат ака йўлимни пойлаб турган экан. Уйга етиб боргунча, бу қилган ишим чакки эканига мени ишонтирди ва мактабга қайтишга ваъда олди. Мен мактабга қайтдим ва етуклик аттестатини 14-мактабда олдим.

Кейин эса жуда кўп ўйладим
— мен Қудрат акага кимман?
Унга менинг қаерда ўқишимнинг
нима аҳамияти бор эди. Нега у
орадан бир ой ўтган бўлса-да,
мени излаб, Эски Жўвадан
Ўқчига борди, бир-икки соат
вақтини аямай, мени мактабга
қайтишга кўндириди? Вақтлар

ўзини жуда эркин ҳис қиласа
эди.

қизиқарлы қилиб ўқувчилариға
етказа олиш санъатига ҳам эга
экан.

Уруш пайтлари шароит оғир эди. Ўқитувчиларнинг маоши қанча бўлганини аниқ билмайман-у, лекин у бола-чақа боқиши, рўзгор тебратиш учун етмаганидан яхши хабарим бор. Буни мен ўша устозимиз Собит ака мисолидан биламан — у куз пайтлари Кўктерак томонларга чиқиб кетадиган одати бор эди. Ўша пайтларда Кўктерак ва шунга ўхшаш шаҳар теграсидаги анчагина жойларда шаҳарликларнинг боғи бўларди — улар эрта баҳорда у ерга кўчиб бориб, экин-тикин қилишар, турли мевали дарахтларга қарашар, кузда ҳосилни йифиб олгандан кейин, уйларига қайтишар экан. Буғдойзорда ҳосилни йифиб олгандан кейин ерда бошоқлар қолганидек, боғларда ҳам марзаларда у ер-бу ерда сабзими, лавлагими, шолғомми, турпми дегандек яккам-дуккам сабзавотлар қолиб кетар экан. Собит ака ана шулардан бир қоп-яrim қоп йифиб келиб, уйда бола-чақасининг нафсини қондирап экан. Лекин шунга қарамай, қийналиб кетгани ҳақида, бу адоксиз машиқкатлар жонига теккани ҳақида бирорта одамга бирор оғиз зорланиш, шикоят деган нарсадар бўлмас эди.

нарсалар булмас эди.

Баъзан бир нарсани ўйлаб қоламан — невараларим ҳозир мактабда ўқишиади — уларнинг ҳаммаси ҳам бир ўкув йилига неча марталаб пул сўрашади. “Нима қиласан пулни?” дейилса, “устозимизнинг туғилган кунига совға оламиз, комиссия келар экан, байрамга дастурхон тузашмоқчи экан, менга коњяк олиб бориш тушди, имтиҳон олдидан пул йифиб беришимиз керак экан” ва ҳоказо ва ҳоказо. Бу иллат, бу тиланчилик, ҳакалак отган нафсини болалар ҳисобидан қондириш бугун мактабда анча кенг тарқаган. “Нега бундай қиласизлар?” деб сўралса, “Нима қилайлик, биз ҳам тирик жон, маوش етмайди” деб жавоб беришиади. Мен бунаقا жавобни эшитганимда дарғазаб бўламан, дарҳол кўз ўнгимга Кудрат ака ёхуд ярим қоп лавлаги орқалаб, эгаси кўчиб кетган боғлардан қайтаётган Собит ака келади. Нима, уларнинг маоши етарли бўлганми? Эҳ, дўсти нодонлар! дегим келади бугуниги баъзи қаноатсиз муаллимларга. Улар кўрган қийинчиликларнинг юздан бирини сизлар кўраётганингиз йўқ-ку! Очлик нима экани етти ухлаб, сизларнинг тушингизга кирмаган-ку! Гап маошнинг етишмаслигида эмас, гап одамнинг ўзига кучи етмай қолишида, нафсини тия билмаслигида, қаноат туйғусининг йўқолиб кетганида. Ахир, ўша Собит акалар, Кудрат акалар ҳам болалардан у-бу нарсаларни тилансалар; болалар қийналиб бўлса-да олиб келиб бермасмидилар? Лекин уларнинг бундай қилишлари мумкинлигини мен сира-сира ақлимга сифдира олмайман. Бунга уларнинг орияти, номуси, виждони йўл қўймас эди. Ниҳоят, улар ўз касбларини яхши кўришарди, бодаларни яхши кўришарди.

боловаларни яхши куришарди, уларни виждонсизликка, муно-
фиқликка ўргатишни тасаввур
ҳам қилолмасди. Улар том маъ-
нода фидойи одамлар эди. Ал-
батта, уларнинг ҳам ўзига яра-
ша камчиликлари, қусурлари
бўлган бўлиши мумкин. Лекин
ўша фидойиликлари қаршиси-
да, ўзларининг инсоний фуур-
ларини юксак ва пок тутишла-
ри қаршисида бундай қусурлар
сезилмай кетар экан. Бугун мен-
да, мен билан бир синфда
ўқиган дўстларимда Кудрат
Аҳмедовдай, Собит Комиловдай
устозлардан ўтган баъзи бир
инсоний сифатлар мавжуд бўлса
не ажаб! Улар оламдан ўтиб ке-
тишиди, лекин мен ҳозирга қадар
бу улуғ инсонларнинг, бизга
нафақат адабиёт ёки математи-
кадан, балки одамийликдан ҳам
сабоқ берган илк устозларнинг
хотираси олдида бош эгишда
давом этаман.

Озод ШАРАФИДДИНОВ:

Озод ШАРАФИДДИНОВ: ИЛК БАРВАМ ЖАКИНАА

паккисини олиб, коптокни ча-
ваклаб ташлади. Копток “пис-с”
этиб овоз чиқаришга улгурмай
бўшашибди-қолди. Биз билан бир-
га Кудрат аканинг жияни ҳам
ўқирди — ўша куни ҳаммамиз-
дан ортиқ у жазоланди — Куд-
рат ака Аҳматиллани бир тарса-
ки урди, шекилли. Эртаси куни
эрталаб, синф мажлиси бўлди
— Кудрат ака бизнинг шумлик-
ларимизни шундай таърифла-
дики, биз чиндан ҳам ич-ичи-
миздан уялиб кетдик ва одам
бўлишга ваъда бердик. Дарсдан
қочишлар тўхтади. Лекин биз,
барибир, Кудрат акани жон-ди-
лимиздан яхши кўрадик, уни
ранжитмасликка ҳаракат қилар-
дик, ҳатто унга сирларимизни
ҳам ишониб айтаверар эдик. Биз
учун бу одамни гапини қайта-
риб бўлмайдиган авторитетга
айлантирган омил — унинг ўз со-
ҳасини мукаммал биладиган мут-
хассис эканлиги эди. Кудрат
ака ўзбек адабиётини биларди-
гина эмас, унинг гўзаллигини
юракдан ҳис қиларди ва маъ-
рузларида шу ҳисларини биз-
га ҳам юқтиришга ҳаракат қилар-
ди. Ўзбек классик адабиёти 8-
синфда ўқитиларди. Ҳозир баъ-
зан 15 ёшли болаларга классик
адабиётни тушуниш қийинлик
қилади, деган гапларни эшитиб
қоламан. Мен бунга мутлақо
қўшилмайман — ҳамма гап қан-
дай ўқитишда. Ахир, биз ўша
пайтда эшитган ва ўқиган “Сен-
сан севарим, хоҳ инон, хоҳ
инонма, Қондир жигарим, хоҳ
инон, хоҳ инонма”, “Ул санам-
ким сув ёқасинда паридек ўлти-
рур, ғояти нозиклигидин сув
била ютса бўлур”, “Чархнинг
мен кўрмаган жабру жафоси
қолдиму, Ҳаста кўнглим чекма-
ган дарду балоси қолдиму?”
каби шоҳ сатрларни ҳозиргача
ёд биламиз.

Кудрат ака адабиётни ўқитиша қолипдан қочар, ҳар хил социологик чекинишларга йўл қўймас эди. Адабиётда унинг билмагани йўқ эди — биз ҳар қандай саволимизга ундан мукаммал жавоб олардик.

ўтди — мен Кудрат аканинг бу яхшилигини сира унутолмайман. Кудрат ака кейин катта олим бўлиб етишди, диссертация ёқлади ва Педагогика институтида ишлай бошлади, лекин шунда ҳам бизнинг алоқа-миз узилмали.

Менинг улғайишимга катта таъсир кўрсатган илк устозларимдан яна бири — Собит ака Комилов эди. Бизда 8-синфда ўқиб юрганимизда бирмунча вақт математикадан ўқитувчи бўлмади. Бир куни дарсга қўнғироқ чалингандан кейин синфга ўрта бўйли, кулчаш юзли, ияги кичикроқ, бурни пучукроқ бир одам кириб келиб “Мен сизларга математикадан дарс бераман” деб ўзини таништириди. Унинг устида уруш йиллари кенг расм бўлган телогрейка, пахтали шим, оёғида кирза этик. Кўриниши жўнгина эдию лекин кўзларида чақнаб турган аллақандай қувлик учқунлари уни жўн деб қабул қилишга йўл қўймас эди. Биз кейин билдик — Собит ака саккизтаболанинг отаси экан, лекин ўшандаги қиёфаси жуда ёш кўринарди. Биз янги ўқитувчига жамики бор ҳунаримизни кўрсатиб қўймоқчи бўлдик — унинг қараб турганига қарамай бир-биrimiz билан бор овоздагаплашишлар, партадан партага кўчиб ўтишлар бошланди. Бироздан кейин латифалар айтибошладик. Уларнинг ичидагазалари ҳам кўп эди. Ҳар галатифа айтилганда, бор овоздагулишар ва ўқитувчининг муносабати қандай бўлаётганини билиш учун унга зимдан қараб қўярдик. Биз ўзимизнинг шумлигимиз билан, беписандлигимиз билан янги муаллимни биринчи кунданоқ қайириб олмоқчи бўлгандиник. Лекин янги ўқитувчи қизиқ одам экан — бизнинг тўполонимиздан ранжиш ўрнига, жиги-бийрон бўлиб бақириб-чақириш, ер тепинишибизни тергаш ўрнига латифалар айтилганда бизга қўшилиб холаб кулар, энг яқин улфатларининг даврасига тушиб қолганде

— Аввало, колледжингиз қайси билим даргохи негизида таркиб топди ва унда қайси мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилган?

— Илгари, яни 1995 йилга қадар колледжиз савдо техникини деб юритилган. 1995 йилдан бошлаб, Миллий дастур талабларига мувофиқ, колледж дебномланди. Бундан шундай хуоса келиб чиқадики, нафақат ном, балки таълим мазмунига ҳам ўзгариш ва янгиликлар киритилиши керак.

Хозирги вақтда колледжизда “Иқтиодиёт ва бўшқарув”, “Бухгалтерия хисоби”, “Назорат ва хўжалик фаолиятининг



КИЧИК МУТАХАССИСНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ

(Коллеж директори Жахсилик Матчонов билан сұхбат)

таҳлили”, “Пул ва кредит”, “Молия”, “Ишбайлармонлик ҳаракати”, “Банк иши”, “Менежмент”, “Аудитор хизмати”, “Хукуқшунослик”, “Таом тайёрлаш технологияси” каби мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус маълумотли кадрлар тайёрланмоқда. Кундузги ва сиртқи бўлимларда ўқиётган салкам 1300 нафар йигит-қизларни ўз соҳасининг билимдони қилиб етиштиришга бутун педагогик жамоа — ўқитувчилар, мураббийлар, ташкилотчи ва раҳбарлар сафарбар қилинган. Зоро, кичик мутахассиснинг катта ташвишлари бор.

— Таълим ва тарбия бир-бirisiz амалга ошмайдиган жараён. Шу жиҳатдан олганда, эгизак жараённи бир вақтнинг ўзида бирваракайига амалга ошириш қандай кечмоқда?

— Жуда ўринли таъкидладингиз. Биз кўпинча таълимни биринчи даражали вазифа деб биламиз. Лекин тарбия ҳам ўз аҳамияти бўйича таълимдан кейинда турмаслиги керак.

Барча мутахассисликлар бўйича ўқув режа ва дастурлари Республика ўрта маҳсус касб-хунар таълимни бошқармаси томонидан тасдиқланган. Коллежда умумтаълим фанларидан ташқари, кичик мутахассис бўлишни таъминлайдиган бир қатор фанлар ўқитилиялти. Хусусан, ўқув режасидан ўрин олган 105 тағанинг асосий қисмини ихтинослик

фандар ташкил қиласди. Ҳар йили колледжизни битираётган 380 нафар битириувчи банк миассасаларида, солик инспекциясида, адлия вазирлигига, “Қорақалпоқсавдо” асоциациясида, енгил саноат ўюшмаларида ўз фаолиятларини бошлишапти. IX синф маълумоти билан қабул қилинганлар уч йил, XI синф маълумотига эга ёшлар иккى йил билим олиб, диплом олаёт, колледж билан хайрлашадилар. Аммо биз ҳамиша уларни тақдифи билан қизиқиб туфанимиз.

Хар бир гуруҳдаги талабанинг шахсий вақаси юритилади. Уни ўқув йили мобайнida мураббий тўлдириб боради. Янги ўқув йили мобайнida ҳар бир талабанинг ота-онаси билан коллеж ўртасида шартнома тузилади. Унда иккала томоннинг ҳам хуққи ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Умуман, таълим жараёнига нисбатан тарбиявий ишлар кўлами серқирига ва серқўламдир. Коллежиздаги “Маънавият ва маърифат” хонаси, кутубхона, катта-кичик спорт базаларида ўтказила-

Islohot odimlari

ётган тадбирларнинг асл мақсад-муддаси ҳам тарбияга қаратилган.

— Эшитишимизга қараганда, колледжизда бюджетдан ташқари маблаг ишлаб топиш ҳам йўлга кўйилган экан.

— Сендан ҳаракат бўлса, баракат мендан, деган ибора исботига кўп маротаба дуч келганимиз. Чиндан ҳам ҳозир замон тадбиркорники, ишбилармонники. Тахиатош шаҳарчаси марказида жойлашган колледжизда нафақат талаба ва ўқитувчилар учун, балки аҳоли учун ҳам бир талай хизмат шахобчаларини очганимиз. Тикив цехи, суратхона, стоматология хонаси, муолажа кабинети, оёқ кийимларни таъминалаш устахонаси, автосервис, сартарошхона, дўконда фақат ўқитувчи-мураббийларнингина эмас, балки аҳолининг ҳам ҳожати чиқарилмоқда. Дўконда ҳар ойнинг беғиланган кунида ўқитувчиларимизга кундальик эҳтиёж моллари — ун, шакар, ёғ, гурух арzonлаштирилган нархларда сотилади. Бу эса муалимнинг ун, ёғ ахтариб юришдаги вақтни тежай-

ТАЛАБАНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК УЙИ

“Ётоқхона” ҳақига ран кетгудек бўлса, кўпчиликнинг энсаси қотади. Чунки кўй ҳолларда ётоқхона деганимизда шифтларини ис босган, ошхона ва бошқа хизмат хоналари ифлослигидан кўнгил айнийдиган жой тушунилади.

Бизда эса тамоман акси. Саранжом-саришталик, тозалик биринчи талабидир. 200 ўринга мўлжалланган ётоқхонамизда асосан, турли вилоятлардан келган қизларнинг истикомат қилишлари учун етариши шарт-шароит яратилган. Чойшаблар вақти-вақти билан алмаштирилади.

Ҳар бир қавам ўз мураббийсига эга. Мураббий талабаларнинг турли оммавий-сиёсий тадбирлардаги иштирокини таъминлайди. Коллеж хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда “Қизлар янги ҳаёт бўсағасига”, “Кийиниши оғоби”, “Мехмон кутиш оғоби”, “Қизлар гигиенаси” мавзуларида шифокорлар, хукуқ-тартибот органлари ходимлари билан учрашувлар

10-15 чакирим. Қорақалпоғистонда олий таълим миассасалари — университет, Нукус Давлат педагогика институти ва Тошкент, Нукус Давлат таълим миассасалари филиали мавжуд. Ҳар ийиёт бу таълим миассасалари минглаб абитуриентларни чигиридан ўтказади ва талабаликка қабул масканларидан донги кам бўлмаган иктиодиёт ва тадбиркорлик коллежи ҳам бор. Ушбу даргоҳдаги ҳам таълим, ҳам тарбия, ҳам кўшимча даромад ишлаб топиш йўлидаги уринишлар ёритиш учун саҳифамиз ҳажман кичиклик қиласди. Шундай бўлса-да, имкон қадар бўнинг ўддасидан чиқиш ниятимиз бор.

ди. Хизмат турларидан ўтган йили 120 минг сўм соғ фойда кўрдик ва у моддий рағбатлантиришга сарфланди.

Истиқболдаги вазифалар...

— Тўғрисини айтганда, колледжизда олий таълим миассасасини очишига арзидиган база бор. Лекин шу билан киояланадиганимиз йўқ. Замонавий тирадаги спорт иншооти ҳамда маданият саройи қурилиши учун лойиҳалар тайёрланди. Ҳадемай қурилиш ишлари бошланади ва орзуласиди рўёбга чиқади.

утказилди.

Талабанинг вақтинчалик уйидаги ҳаёт саранжом-саришта, мазмунли кечишини таъминлашдек ўзгармас вазифа нафақат мураббийларни, шунингдек, раҳбариятни ҳам хушёр, сергак турниб ишлашга ундаиди.

Клара ЖОЛДОСОВА,
маънавий-маърифий ишлар бўйича
коллеж директори ўринбосари

ЎТОВДАГИ ВАТАН

... 1998 йилда Хўжайли туманинаги “Озодлик” ширкат хўжалиги ихтиёридаги қатқалоқ ва ташландик жой колледжинг “Гулсанам” фермер хўжалиги ихтиёрига берилди. Одатда ташаббусни ўзи бош-

лаган кишига серуnum, экин экиш қуляй нар экан. Ҳозирда

Yordamchi xo'jalik

жой ажратилавермайди.

Аммо инсоннинг қадами етган жой боғу бўstonга айла-

лар ўрнини пахтазор, буғдойзор, боф, молхона, сув ҳавзаси, дала шийпонлари эгаллади.

Кенегес каналидан куверлар орқали келтирилган оби ҳаёт туфайли кичикина хўжалик ўзига яраша даромад келтира бошлади. Биргина 2000 йилдаги соғ даромад 3 млн. сўмдан зиёддир. 2001 йилда эса 106 тонна пахта топширилди.

... “Гулсанам” да қорақалпоқларнинг ўтови бор. У кўлда ясалади ва ёзги мавсумда далабоп. Хўжалик бригадири Корлибой Елмедов ўз оила аъзолари билан бу ўтовни Ватан деб билади. Коллеж раҳбарияти ўз ёрдамчи хўжалигига ишлаётгандарга кўлидан келган ғамхўрликни кўрсатмоқда. 2001 йилда уч киши санаторийда дам олиб қайтди. Уларга кундалик эҳтиёж моллари ҳам берилади.

Суратда: колледж талабалари билан тарихий мавзуда сұхбат ўюнтирилмоқда.



Qonun va yoshlar

Бу колледдаги тилга тушган бўлимлардан биридир. У хукуқшуносликка қизиқувчи ёшларни ўз атрофига биритирган. Ёш қонуншунослар шу йил 17-18 май кунлари Жиззах шаҳрида ўтказилган

“Сиз

ишиштот тартибонни сўзламишни билан сизми?” кўриктанловининг мутлақ голиби сифатида тан олиндилар. Ўрта маҳсус касб-хунар таълимни тизимидағи муассасалар ўртасида биринчи ўринни олиш осон бўлгани йўқ. Бунга колледжда кўп марта ўтказиладиган хукуқий мавзудаги учрашувлар, сұхбатлар замин яратган бўлса, ажаб эмас.

Голибик белгиси — I даражали диплом “Маънавият ва маърифат” хонасининг безагига айланди.

Саҳифани “Ma'rifat”нинг маҳсус мухбири Хулкар ТЎЙМАНОВА тайёрлади.

МАЗМУНИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Яқинда танишган одаминг ҳақида дастлаб нимани ёзиши, гапни нимадан бошлани билмай қоласан бавзан. Ҳабиба опа билан танишган кунимдан бошлаб, у кишининг камтарлиги, мулоҳазали фикрлари, энг муҳими касбига бўлган фидойилиги эътиборимни тортиди. Ҳ. Алимова пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги 241-мактабда бошлангич синф ўқитувчи бўлиб ишлайди. Инсон учун шарафли, аммо шу билан бирга маҳққатли касбни бошлаганига ҳам

сұхбат куриш, таълим-тарбия бериш жуда муҳим. Умуман, ўқувчининг мактабда қандай тарбия топиши кўпроқ мураббийга боғлиқ. 1992-1993 йиллар мобайнида туман миқёсида ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида голиб чиқди ва "Бошлангич таълим устаси" номини олишига муваффак бўлди. Тиниб-тинчимас муаллим бошлангич таълимни ривожлантириш, ўқувчилар саводхонлигини ошириш, талафузни меъёрда сақлаб туриш бо-

"2002 yil – Qariyalarni qadrlash yili"

40 йил бўлиби. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Бу давр мобайнида не-не ўқувчилар устоз сабогини ўрганиб, ўқиш ва ёзиши, қолаверса, ҳаётни ўрганиб кетмади, дейсиз.



Улар мактабда таълим-тарбия олиш, китоб-дафтарларни қандай тутишни, қолаверса, ўртоқлари, ўқитувчилари қандай муносабатда бўлишини биринчи муаллимдан ўрганишганини унутмаганлари, шубҳасиз.

Ҳабиба опа янги ўкув йилида ўқувчилар билан бўладиган учрашувларни хурсандчилик билан эслайди.

– Бу давринг ўзига хос гашти бор, – дейди опа кулиб. – Синфа эндиғина кириб, чор-атрофга хайратомуз боккан ўқувчилар билан

расида кўплаб изланишлар, тажрибалар олиб борди. Унинг фикрича, тайёрланган дастур ва материаллар асосида дарс ўтиш ўқувчилар билимини янада чукурлашиди.

Шунингдек, ўқиши равон, ифодали, оғзаки ва ёзма нутклари ҳам яхшилана боради.

– Менинг ilk маротаба дарс берган қалдирғочларим кирчилла мақрка кирган, – дейди опа сўзини ниҳоялаб. – Уларга дарс берган пайтимда касб фаолиятимни эндиғина бошлаган эдим. Улар билан кўча-кўйда кўришиб қолсан, кувониб кетаман. Бинобарин, ёшлар билан, аникроғи, ўқувчилар билан фикр-мулоҳаза қилиш, сұхбат куриш ҳаётим мазмунига айланган.

Б.БОТИРОВ

Етук раҳбар, ёшларнинг талбачан ва фамхўр устози, меҳрибон дўст, ўз касбининг фидойиси Тоҳир ака Сотликов деярли 50 йил давомида ёш авлодга сабоқ берип келмоқда. Унинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, у киши турмушнинг паст-баланд сўқмокларида, қаерда, қайси лавозимда ишламасин, юрт равнақи, ҳалқ фаровонлиги йўлида ўз бурчига садоқат билан хизмат қилди.

Шодлик, баъзидаги кўнгилсиз онларни бошидан кечирди, аммо кучли иродат, сабр-қаноат, фидойилик ҳамиша уни хурмат-эҳтиром, ҳалқ эъзозига мушарраф қилди. Кексаларга кўмаклашди, етим-есирларнинг бошини силади, ночорларга меҳр-оқибат, фамхўрлик кўрсатди, шогирлар камолидан кувонди, куч-куват алди. Ўтган йиллар давомида мактабдан бир кун ҳам қадамини узмади, бугунги кунда ҳам болалар ва шогирларининг севимли устози сифатида маърифат бўстонида жавлон урмокда.

Тоҳир ака 1951 йилда Хоразм давлат педагогика институтини физика-математика факультетини тамомлаб, ўзи ўқиган 1-ўрта мактабда ўқитувчиликдан иш фаолиятини бошлади. 1953-1962 йиллар мобайнида ўкув ишларни бўйича ди-

ректор ўринbosari ва директор лавозимларида фаолият кўрсатди.

Мактаб ишларининг билим-дон раҳбари сифатида элга танилган, ташаббускор, ижодкор, тиниб-тинчимас Тоҳир Сотликовни 1962 йилда туман халқ маорифи бўлими мудири лавозимига тайинлайдилар.

Шу лавозимда унинг ташкилотчилик, одамлар бошини қовуштира билиш қобилиятлари яққол намоён бўлди. Эски, пахса девордан нураб турган

мактаб бинолари ўринда янги замонавий, барча кулайликларга эга бўлган билим масканлари қишлоқлар чиройига чирой кўшша бошлади.

1982 йилдан бошлаб 1-мактабда 6 йил давомида директорлик қилди, 1988 йилдан Хоразм давлат педагогика институтида талабаларга сабоқ берга бошлади, педагогика фани сирлари билан яна шуғулланиши давом эттириди. Каторрисолалар, илмий-методик мақолалар чоп қилди. Мана, ўн

Умр — оқар дарё. Зеро, ўшатошқин дарёни зилол, ҳаётбахш сувларини сипқорган қаракраган чўлларга жон энади, бοғ-рөглар гуркрайди. Агар таъбир жоиз бўлса, Гулноза Зоҳидованинг қисқа, аммо мазмунли ҳаёт йўлини ҳам ана шундай оби ҳаёт дарёга қиёс этсак хато қилмаган бўламиз. Чунки, фидойи ўқитувчининг мактабда ўқувчи ўғил-қизларга берган сабоқлари, газета ва журнallарда нашр этилган ижод намуналари қанчадан-қанча қалбга малҳам бўлмади, дейсиз. Ахир, ўқитувчи — қалб мемори. У бободөхкон мисоли мурғак кўнгилларга эзгулик уруғини қадаб уни меҳр билан парвариш қилган бўлса, қурувчи мисол юрт пойдеворини

Бу туйғу, илк бор ёш ўқитувчининг Кўргонтепа туманидаги 7-мактаб синф хонасига кириб ўқувчилар билан саломлашгандаёт янада мустаҳкамланганди.

Албатта, мактабдаги дастлабки йиллар ёш муаллима учун осон кечмаганлиги тайин. Бироқ, ўз устида тинимиз изланиш, қолаверса, мактабдаги тажрибали ўқитувчилар Саодатхон Имомназарова, Дилфуз Иминжоноваларнинг йўл-йўриқ ва ўғитларидан хулоса чиқарган Г.Зоҳидова ўқувчилар ва мактаб жамоаси билан тезда тол топиши кетди. Бу эса, келгуси ютуқларга ҳам гаров бўлиб хизмат қилди. Эътиборлиси, ўқитувчи ўқувчиларга дарс ўтишга мав-

Xotira

ижодкорлигини ошириш мақсадида тўғарак машгулотлари, ўтадиган дарслари орқали болалар қалбига яқин ўқитувчи ҳамкасларига ҳам доимо ўрнак эди.

— Гулноза дарс берганда, — дейи хотирлайди Жалакудук туманидаги 10-мактаб ўқитувчisi Д.Иминжонова, — гоҳо унинг мўъжазгина синф хонасида Қодирийнинг Отабеги разолатдан қон йиглайди, гоҳида Анвар ва Раъононинг шеърий мушоириаси авж пардасини чертса, Бобур Мирзо эса "Анда жоним қолди" дейи физон чекади. Ҳа, Гулноза инг синфхонаси, дарсхонаси гёй театр кошонаси эди. Ўқитувчи

ДАРСНИ ИЖОД БИЛГАН МУАЛЛИМА

мустаҳкамлашга интилади. Дарҳақиқат, ўқитувчилик машакқатли касб. Унинг заҳматли меҳнати замиридаги келажакнинг акси бор. Зотан, қалбидаги эзгулик куртак ёзган фарзандлар камоли ўша қалб меморининг санъат намунаси.

